



КАСБИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ МУҲИТИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Ҳамидов Одил Абдурасулович

п.ф.б.ф.д., (PhD)

Жиззах политехника институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7220772>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 10th October 2022

Online: 18th October 2022

KEY WORDS

Виртуал таълим муҳити,
дастурий воситалар,
бўлажак муҳандис,
умумкасбий фанлар.

Таълимга ахборот - коммуникация технологияларини, турли хил дастурий маҳсулотларни жорий этиш эса ўз навбатида касбий йўналтирилган виртуал таълим муҳитини шакллантиришга имкон беради. Дастурий маҳсулотларнинг (масалан, Austodesk 3ds Vax) имкониятларидан фойдаланиб, муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи йўналиши таълим амалиётига ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси умумкасбий фани бўйича уч ўлчовли дастурий маҳсулотлардан иборат маълумотларнинг электрон базаси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди (1-расм). У уч ўлчамли дастурий маҳсулотлардан ташкил топган бўлиб, улардан бири мультимедиали замонавий ўқитиш воситасидир.

ABSTRACT

Иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожли билим, кўникма ва малакалар ҳажмининг кескин ошиши, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассислардан шу жумладан, бўлажак муҳандисларнинг ўз касбий даражасини доимий ошириб боришни талаб этади. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасалари таълим муҳитини таълим субъектларнинг тўлиқ функционал ва кўп ўлчамли муҳити сифатида қараб чиқишини тақоза этади.

1-расмда келтирилган маълумотларнинг электрон базаси, муваффақиятли касбий фаолияти учун ҳаёт фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси умумкасбий фани бўйича муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи - йўналишида бўлажак мутахассислари учун вариатив ўқув циклини яратиш имконини беради. Техника йўналиши олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган касбий йўналтирилган виртуал таълим муҳити бу шахснинг ривожланишига, талабаларда билиш - касбий фаолликни шакллантиришга, инсон, оила, жамият ва давлат манфаатларига мос ҳолда касбий тайёргарлик сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатувчи ярим функционал, кўп ўлчамли, таълим субъектларининг ижтимоий аҳамиятли муҳити.




Касбий йўналтирилган виртуал таълим муҳитини ташкил этиш қуйидагиларга имкон бериши аниқланди:

-ўқув режада кўзда тутилган ўқув фанлари (ижтимоий - гуманитар, математика ва аниқ, умумкасбий ва касбий ихтисослик) ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ҳамда илмий - тадқиқотчилик ишлари ўртасида фанлараро боғлиқликни ўрнатиш;
-талабаларни фаолиятга касбий тайёрлаш жараёнида машғулотларни ташкил этишнинг турли шакллари (масофавий, маъруза – семинар, интегратив ва бошқа) ва методларини

(тарғибот-ташвиқот ва ҳодисавий) қўллаш;

-талабаларни фаолиятга касбий тайёрлаш жараёнига мультимедиали ўқитиш воситалари ва ўқитишнинг кўرғазмали воситаларини (расмлар, чизмалар, схемалар, диаграммалар, фото, видео, плакатлар, белгилар ва бошқалар) жорий этиш;

- бўлажак касбий фаолият соҳасида билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллаш бўйича талабаларнинг билиш - касбий фаоллигини ривожлантириш



1- расм. Муҳандислик коммуникацияларини қурилиши ва монтажи мутахассиси учун ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси умумкасбий фани бўйича маълумотларнинг электрон базаси.



Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси умумқасбий фани бўйича мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари таркибига кирувчи уч ўлчамли плакатлар ҳам давлат таълим стандартларини ҳисобга олиб, ҳам ишлаб чиқараш шароитларига мос ҳолда ва касбий хатарлиликларни огоҳлантириш, яъни хавфли вазият, авариялар (ҳалокатлар) ва ишлаб чиқариш жароҳатлар юз беришини огоҳлантириш ҳисобига касбий фаолиятга тайёрлашни амалга оширишни таъминлайди.

Уч ўлчамли плакат - қўлланмада ишлаб - чиқариш вазиятлари, техника ва механизмлар, ишларни ташкил этишнинг турли шароитлари (коммуникация тармоқларининг яқинлиги, ботқоқлашган грунтлар ва бошқалар) ҳамда ишлаб -чиқаришда иштирок этувчилар моделлаштирилган. Таълим амалиётида уч ўлчамли плакат - қўлланмаларнинг яратилиши ва жорий этилиши ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасида касбий тайёргарликни рағбатлантириш имконини беради. Бизнинг тадқиқотимизда уч ўлчамли плакат - қўлланмалар қуйидагиларга имкон беради.

1) талабаларга бўлажак иш жойларида дуч келадиган ишлаб чиқариш ҳолатини кўрсатиш ва “иштирок этиш орқали таълим олиш” ни ташкил этиш. У эса талабаларга қуйидаги имкониятларни тақдим этади.

- аниқ билимларни ўзлаштириш ва ижтимоий - аҳамиятли муаммо ва жараёнларни таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш;

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш

заруриятига ишончни шакллантириш ва инсонларни ҳурмат қилишга тайёрлаш;

- ҳалокат, фавқулотда ҳолатлар, табиий офатлар оқибатларидан ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини ҳимоя қилиш бўйича индивидуал ҳаракатларнинг кўникма ва малакаларини ўзлаштириш;

- ижтимоий (иш ўринларини эргономик қайта ташкил этиш учун жамоавий ҳаракатлар) қолади кўникма ва малакаларини, жамиятда қабул қилинган маънавий ва ҳуқуқий меъёрлар асосида ижтимоий ўзаро ҳаракатга тайёргарлик, шунингдек шерикчилик, ўзаро ишончга асосланган муносабатларни қўллаб-қувватлаш учун жавобгарликка тайёрликни шакллантириш;

2) қуйидагиларни шакллантириш имконини берадиган касбий тайёргарлик жараёнини мулоқатлаштириш:

- ахборотни умумлаштириш, таҳлил қилиш, идрок этиш, мақсадни шакллантириш ва унга эришиш йўллари танлашга қобилиятлиликни;

- ностандарт вазиятларда ташкилий-бошқарув ечимларини топиш ва улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга қобилиятлиликни;

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиш заруриятига ишонтиришни;

- ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини авария, ҳалокат, табиий офатлар оқибатларидан ҳимоя қилиш бўйича индивидуал ҳаракатланиш кўникма ва малакаларни;

- ижтимоий (иш ўринларини эргономик қайта ташкил этиш учун жамоавий ҳаракатлар) ҳаракатларнинг кўникма ва малакаларини;



- ностандарт вазиятларда ташкилий – бошқарув ечимларига қобилятликни.

Талабларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида қўлланиладиган уч ўлчамли плакат – қўлланма қуйидаги имкониятларни тақдим этади.

Биринчи имконият – бу ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси учун зарур бўлган билимларни ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг хавфсизлик чораларини амалга ошириш нуқтаи назаридан касбий фаолият соҳасидаги муаммо ва жараёнларни таҳлил қилиш қобилятини шакллантириш (иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг техник жихозланиши; технологик жихозларни жойлаштириш ва уларнинг ишончлиги; ишончлилик ва хавфсизлик кўрсаткичларини таъминловчи конструктив материалларни танлаш)дин иборат.

Иккинчи имконият – бу талабаларда инсонларга ҳурматни намойиш этишга тайёргарликни ва технологик фанлар қоидаларига риоя этишга ҳамда ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга ишончини шакллантириш.

Учинчи имконият – ҳаёт фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича талабаларнинг индивидуал ҳаракатлар кўникма ва малакаларини эгаллашини шунингдек ишлаб чиқиладиган лойиҳалар ва техник ҳужжатларнинг стандартлар, техник шартлар, ишлаб чиқариш ва ҳаёт фаолият хавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳофазасига оид бошқа меъёрий ҳужжатларга мослигини назорат қилишни кўзда тутаяди.

Тўртинчи имконият – талабаларнинг жамоада ишлашини, шунингдек ҳаёт

фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ҳамда ишлаб чиқариш хавфсизлигини ташкил этиш соҳасига инновацион ғояларни жорий этиш методларини эгаллашини кўзда тутаяди. Бешинчи имконият – талабаларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси соҳасида тўғри ечимларни қабул қилишга ишончни шакллантириш, шунингдек қурилиш объектлари, жиҳозларнинг техник ҳолати ва қолдиқ ресурси ҳақидаги ахборотни умумлаштириш, таҳлил қилишга қобилятни шакллантиришни кўзда тутаяди.

Олтинчи имконият - ностандарт вазиятларда ташкилий - бошқарув ечимларини топа олиш қобиляти ва улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёргарлик (конструкциялардаги материалга атроф-муҳит таъсирини таҳлил қилиш; ишлаб чиқаришдаги хатарларни аниқлаш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш).

Уч ўлчамли плакат - қўлланма бир нечта модуллардан иборат. Ҳар бир модулда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича виртуал ишлаб чиқариш вазиятлари тақдим этилиб, улар образли - кўргазмали фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилади, шунингдек талабаларнинг касбий фаолиятга тезда киришишни таъминлайди.

Бундай модулларда жойлаштирилган ахборот машина ва механизмлар, мослама ва асбоблар кўринишидаги уч ўлчамли фазовий тасвирлардан, умумий ишлаб чиқариш вазияти, қурилиш майдончаси ва унинг элементлари, алоҳида иш турларини бажарувчи иштирокчилар ва бошқа



References:

1. Ҳамидов О.А. Замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланиш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш. пед.фан.ф.д., PhD диссертация. 2021-йил.
2. Khamidov J.A., Khujjiyev M.Y., Alimov A.A., Gaaffarov A.X., Khamidov O.A. Opportunities and results to increase the effectiveness of multimedia teaching in higher education// Journal of Critical Reviews. - ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 14, 2020.
3. Usanov M.M. Using of Cloud Technologies in the Process of Preparing Future Specialists for Professional Activity // International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD).- Volume 4 Issue 5, August 2020. Available Online: www.ijtsrd.com e-ISSN: 2456 – 6470.
4. . Усанов М.М. Современная Информационно-Образовательная Среда Как Основа Модернизации Системы Образования / Глобальная наука и инновации: Центральная Азия (см. в книгах) 4 (1), 61-65.
5. M.M. Usanov. Opportunities Use Of Cloud Technologies In The Educational Process. Electronic Journal Of Actual Problems Of Modern Science, Education And Training-2020.
6. Усанов М.М. Образовательные аспекты использования облачных сетевых сервисов при обучении будущих инженеров. Испанский журнал инноваций и честности. 2022 г.
7. Akhadova K. S. PROBLEMS OF DEVELOPING MATHEMATICAL COMPETENCIES OF FUTURE ENGINEERS //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 316-323.
8. Axadova Komila Said Qizi TEXNIK OLIY TA'LIMDA MATEMATIKANING MUTAXASSISLIK FANLARI BILAN INTEGRATSIYASINI TA'MINLASH VOSITALARI // SAI. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/texnik-oliy-ta-limda-matematikaning-mutaxassislik-fanlari-bilan-integratsiyasini-ta-minlash-vositalari>